




**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-  
кутубхона маркази директори



**Дилноза МЎМИНОВА,**  
«Bilim»нинг Фойдаланувчиларга хизмат  
кўрсатиши бўлими мудири

## КИТОБХОНЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

*“Ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”.*

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб. У инсонни комиллик сари етаклайди. Дарҳақиқат, бу маънавий сарчашма фарзандларимизнинг дунёқарабини бойитади, нутқини ўстириб, хотирасини мустаҳкамлайди. Китоб маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик ҳисобланади. Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини унинг китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аجدодларимиз эришган бетакрор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб мутолаасидир. Шу боис юртимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та Ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарларда жойлашган таълим муассасаларидаги 10 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари томонидан аҳолига самарали хизмат кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳа ривожига билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Аввало, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, уларнинг таълим муассасаларига етиб боришини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндalarининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этиш бугунги куннинг талабидир. Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан

худудларга арзон нархларда етказиш, уларга онлайн буюртмалар бериш ишининг суствлиги, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларида кенг фойдаланишни амалиётга жорий этиш ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш лозим.

Эндиги вазифамиз – китобни китобхонга яқинлаштириш. Бу борада Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази (АКМ) хизмат кўрсатиш бўлими мутахассислари томонидан “Кўчма кутубхона”, “Мобил кутубхона”, “Китоб чемадончасининг саёҳати” каби лойиҳалар доирасида “Бир соатдан оилавий китоб ўқиш”, “Мен китоб ўқишни севаман”, “Мен фарзандимга китоб совға қиламан”, “Биз ои-



**Холматовлар оиласида**

лавий ўқиймиз” каби акциялар ташкил этилганини айтиб ўтиш лозим. Ушбу акцияларни ўтказиш доирасида оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялаш билан бирга имконияти чекланган инсонларнинг уйларига бориб, улар билан суҳбатлашиб, янги келган адабиётлар билан уларни таништириш, қизиқишларини инобатга олган ҳолда уларга ўқиш учун китоблар тавсия этилади. Уларни ҳаётга, яшашга қизиқишларини орттириш мақсадида бир қатор оилаларга ташрифимизни мисол келтирмоқчимиз:

Чилонзор тумани “Навбаҳор” маҳалласи 8-мавзе 14-уй, 6-хонадонда истиқомат қилувчи Н. Холматовалар оиласида ўтказилди. Хонадон эгалари учун “Менинг севимли китобим” номли ҳамда севимли ёзувчимиз Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига атаб “Чингиз Айтматов-буюк адиб ва жамоат арбоби” мавзусида китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Адибнинг асарларига қизиққан хонадон бекаси Нигорахон Холматова “Охирзамон нишонлари” асарига қизиқди ва ўқиш истагини билдирди.

Худди шундай акция Чилонзор тумани “Ботирма” маҳалласида истиқомат қилувчи Аминовлар оиласида ўтказилди. Ушбу хонадон эгалари учун “Болалар адабиёти оламига саёҳат” номли китоб кўргазмаси ташкил этилиб, болалар учун турли соҳаларга оид энциклопедиялар, бадиий адабиётлар, эртак китобларга библиографик шарҳ берилди. Қизиқарли эртак китобларни кўрган Ферузанинг жажжи ўғилчаси Сарвар Аминов китобларни ўқиб чиқиш ва кутубхонага аъзо бўлиш истагини билдирди. Натижада, Аминовлар оиласи ўзлари танлаган адабиётларни мутолаа қилиш учун АКМга аъзо бўлдилар.

Шунингдек, “Навбаҳор” маҳалласининг 14-уй, 25-хонадонидида истиқомат қилувчи Норматовлар оиласида китобхонлик тадбири ўтказилди. Ушбу хонадон эгалари эътиборини биз олиб борган болалар адабиёти ва мумтоз адабиётга оид, роман, қисса ва эртак китоблар тортди. Ранг-баранг ва қизиқарли эртак китобларни кўрган Улкан аянинг неваралари Абдулазиз ва Эъзозахонларнинг қувончини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тадбир натижасида марказимиз яна бир китобсевар оилани кашф этди.

Аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида АКМда ва Халқ таълими муассасалари билан ҳамкорликда “Энг яхши китобхон”, “Энг яхши китобхон оила”, “Менинг севимли китобим” мавзусида кўрик-танловлар жуда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Натижада ўзларининг билафонлиги, топқирлиги, зукколиги ҳамда кўп китоб ўқиганлиги туфайли 164- ва 194-мактаб ўқувчилари



Ёзги таътилдаги кўчма кутубхонада

“Энг яхши китобхон” танловининг ғолиблигини кўлга киритдилар. Китобхонлик, мутолаага қизиқувчи ёшлар, оилаларнинг иштирокида бўлиб ўтган мана шундай беллашувлар маънавий байрамига айланиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, китобсеварлар сонининг кўпайишига олиб келди.

Ўқувчилар ёзги таътилни бекор ўтказмасдан, нотўғри, фойдасиз нарсаларга эътиборини қаратмасдан мазмунли ўтказишлари учун бир мунча изланишлар олиб борилди. Жумладан, марказимиз мутахассислари томонидан Чилонзор тумани 195-сон мактаб қошида ташкил этилган “Бойчечак” номли ёзги спорт-соғломлаштириш майдончасида ўқувчилар ёзги таътилни кўнгилли ва мароқли ўтказишлари учун “Китоб дунёсига саёҳат”, “Ўқишни тавсия этамиз”, “Янги китоблар” мавзусидаги кўчма кутубхоналар уюштирилди, унда эртак китоблар, ўқувчиларга мос бадиий адабиётлар, саргузаштларга бой, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар ўрин эгаллаганлиги болаларда катта таассурот қолдирди. Марказнинг мутахассислари томонидан тайёрланган ҳар бир китобга қисқача аннотация ва библиографик шарҳлар берилганлиги уларнинг китоб ўқишга қизиқиши янада ортишига замин яратди. Бундан ташқари болалар ўзлари севиб ўқиган асарлари юзасидан суҳбат ўтказилди, мақсадимиз китоб ўқиш билан бирга болажонлардаги сўзлаб бериш, асардаги ижобий ва салбий қахрамонлар ҳақидаги фикрларини баён этиш, воқеалардан таъсирланиш, мустақил хулоса чиқара олиш қобилиятини шакллантиришга йўналтиришдан иборат бўлди.

Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. Шунинг учун ҳар бир инсон, ҳар бир китобхонда китоб



ўқиш, ахборот олиш маданиятини янада ривожлантиришимиз керак. Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча ва мураккаб ходиса бўлиб, тахминан куйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- ▶ китоб танлаб олиш;
- ▶ китобни қандай ўқишни билиш;
- ▶ китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш;
- ▶ керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш;
- ▶ олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш;
- ▶ қайта ўқиш-китобхонлик кўникмасини шакллантириш;
- ▶ кутубхонада каталог ва картотекалари билан ишлай билиш;
- ▶ китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш;
- ▶ китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш;
- ▶ китобни мустақил ўқий билиш.

Демак, биз соҳа мутахассислари олдига ҳам юксак масъулият юклайди. Шунинг учун китобхонлар билан доимий равишда савол-жавоблар, кўргазма олдида суҳбат ва энг асосийси, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиш орқали тарғибот ишларининг янада таъсирчанлигини оширишимиз керак.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271- сон қарори ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар қаторида 2018 йил 25–26 сентябрь кунлари «Вilim» ахборот-кутубхона марказида 1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган “Соғлом ва маънавий етук

авлод – юрт келажаги!” шиори остида “Болалар китоби” фестивали ва китоб кўргазмаси ўтказилди.

Кўпсонли ташкилотчилар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирдан мақсад – ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни миллий мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида баркамол инсон қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, ёшларнинг китобга бўлган ҳурматини оширишга ҳисса қўшишдан иборат эди.

Болалар ўртасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини янада шакллантириб боришга ҳамда уларни мамлакатимизда фаолият юритаётган кутубхоналар, нашр этилаётган янги болалар адабиётлари билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган китоб кўргазмасида ёзувчи ва шоирлар, Тошкент Педагогика коллежи ўқувчилари, 182- ва 184- мактаб



ўқувчилари, ахборот-кутубхона марказининг фаол китобхонлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Фестивал доирасида «Bilim» ахборот-кутубхона марказининг кириш қисми ва фойесида маҳаллий китоб савдоси ташкилотларининг “Болалар китоби” мавзусида, ахборот-кутубхона маркази томонидан “Китоб – инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир” мавзусидаги болалар адабиётлари кўргазмаси тақдимоти ҳамда шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Инсон тафаккурини такомиллашувида китобларнинг ўрни беқиёсдир, китоб инсонни доимо эзгуликка, комиллика етаклайди ва менинг энг яқин дўстим китоб, - дея таъкидлади ўз нутқида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Тонг юлдузи” газетасининг бўлим мудир, болажонларнинг севимли шоири Ахтамкули. Ёзувчи Акбар Мирзо ўзининг ҳаётида китобнинг ўрни, ижодий фаолиятидаги яратган асарлари, ҳар бир авлод учун, кучли билим эгаси, ватанга муносиб фарзанд бўлишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиб, эл корига ярайдиган комил инсон сифатида шаклланиш учун китоб билан дўст бўлишга чорлаб, ўз ижоди намуналаридан фаол иштирок этган болаларга совға қилдилар.

Шунингдек, Педагогика коллежининг иқтидорли ёшлари томонидан тайёрланган “Менинг севимли китобим”, “Энг яхши кўрган шеърим” мавзусидаги бадиий чиқишлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида тайёрланган “Ким билимдон”, “Болалар ёзувчи ва шоирларини биласизми?” каби викторина ва китобхонлик савол-жавоблари, Тошкент шаҳар Учтепа тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази ижодкорларининг мусикали чиқишлари тадбирнинг янада қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтишига замин яратди.

Мамлакатда мутолаа маданиятини ривожлантириш учун китобларнинг электрон шакллари ҳам яратиш, уларни тарғиб қилиш муҳимдир. Кутубхонамиз томонидан ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда жаҳон адабиёти буюк намуналарининг аудио ва видео вариантлари яратиб, “Bilim” АҚМнинг b.ilm.uz сайтига, instagramга, bilim\_akm телеграммга ва фейсбукдаги “Toshkent shahar Bilim axborot-kutubhona markazi” саҳифаларига жойлаштириш ишлари мунтазам олиб борилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, Ғафур Ғулум таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан “Вақт” шеърига ишланган “Аудиоэпизод”, ҳамда ҳаёти ва ижодига бағишланган “Аудиоҳикоя”, “Видеоҳикоя”, Чингиз Айтматовнинг ҳаёти

ва ижодига бағишланган “Адиб биографияси 60 сония ичида” видеосаҳифа каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши ёшларнинг адабиётга бўлган меҳри янада товланишига олиб келмоқда.

Марказимизнинг Ахборот технологиялари бўлими мутахассислари китобхонлар учун янги имкониятлар ва қулайликлар яратиш мақсадида «INLIB» инновацион лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади китобхонлар учун энг қизиқарли ва кўп сўраладиган китобларни кутубхонага келмасдан ҳам интернет тармоғи орқали махсус кодлар асосида ўқиш имконияти яратишдир. Ҳозирча, лойиҳанинг бошланишида унга А.Қодирийнинг “Улоқда”, Ў.Хошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Стендалнинг “Қизил ва қора”, “Ақл ва бойлик”, А.Пушкиннинг “Евгений Онегин”, П.Коэльонинг “Алкимёгар”, Д.Брауннинг “Да Винчи сири” каби асарлари киритилган.

«INLIB»дан фойдаланмоқчи бўлган мижозларимизга қуйидагиларга амал қилишни тақлиф этамиз:


- ▶ смартфонингиз учун PlayMarketдан «INLIB» андроид мобил иловасини юклаб олинг;

- ▶ «INLIB» иловасига кириб, SCAN тугмаси босинг;

- ▶ кейин ўзингизни қизиқтирган базада мавжуд адабиётнинг QR коди орқали керакли китобни топиб, уни юклаб олиш учун “download” тугмасини босинг;

- ▶ Library саҳифасида дисплейингизнинг ўнг томони паст қисмидаги кичик белгига босинг ва ресурсни ўқиш имкониятини қўлга киритинг.

Аҳоли айниқса, ёшларнинг интеллектуал савиясини ўстиришга хизмат қиладиган, илмий ва бадиий жиҳатдан юксак китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу асосда адабиётларнинг умумий буюртма рўйхатини шакллантириш ва бу ишни тизимли равишда такомиллаштириб бориш айтиш куннинг долзарб вазифасидир.



**QO'LLANMA**

1. Smartfoningiz uchun PlayMarketdan "INLIB" android mobil ilovasini yuklab oling.
2. "INLIB" ilovasiga kiring va SCAN tugmasini bosing.
3. O'zingizni qiziqtirgan adabiyot QR code ini o'qiting.
4. Adabiyotni yuklash uchun "download" tugmasini bosing.
5. Yuklab olingan elektron resursni ko'rish uchun "INLIB" ilovasidagi LIBRARY tugmasini bosing.
6. LIBRARY sahifasida displeyningiz o'ng tomon pas qismidagi kichik belgiga bosing va resursni o'qish imkoniyatiga ega bo'ling.

ESLATMA: Yuqoridagi ketma-ketlikni bajarishdan oldin qurilmangiz internet tarmog'iga ulanganligini tekshiring

MUROJAT UCHUN: +998 90 959 69 93  
+998 97 776 69 93

"Bilim" axborot-kutubxona markazi  
www.b.ilm.uz